

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАХОНОВ ҚОБУЛЖОН ҚАХРАМОНОВИЧ

**ФЕРРОЦЕНИЛБЕНЗОЙ КИСЛОТАЛАРИНИНГ ТИОМОЧЕВИНАЛИ
ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДА БИОСТИМУЛЯТОРЛАР СИНТЕЗ ҚИЛИШ
ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

**02.00.09 -Товарлар кимёси
02.00.10-Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Отахонов Қобулжон Қахрамонович

Ферроценилбензой кислоталарининг тиомочевинали ҳосилалари асосида биостимуляторлар синтез қилиш ва уларни синфлаш.....3

Отахонов Кобулжон Қахрамонович

Синтез биостимуляторов на основе производных ферроценилбензойных кислот с тиомочевинной и их классификация.....21

Otakhonov Qobuljon Qaxramonovich

Synthesis of biostimulators based on ferrocenyl benzoic acid derivatives with thiourea and their classification.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD 27.06.2017.К.05.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОТАХОНОВ ҚОБУЛЖОН ҚАХРАМОНОВИЧ

**ФЕРРОЦЕНИЛБЕНЗОЙ КИСЛОТАЛАРИНИНГ ТИОМОЧЕВИНАЛИ
ҲОСИЛАЛАРИ АСОСИДА БИОСТИМУЛЯТОРЛАР СИНТЕЗ ҚИЛИШ
ВА УЛАРНИ СИНФЛАШ**

**02.00.09 -Товарлар кимёси
02.00.10-Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/K161 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Асқаров Иброҳим Раҳмонович
кимё фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Шаҳобиддин Хасанбоевич
кимё фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Каримқулов Қурбонқул Мавлонқулович
техника фанлари доктори, профессор

Сиддиқов Ғопуржон Усмонович
кимё фанлари бўйича фалсафа доктори

Етақчи ташкилот:

Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети хузуридаги PhD.27.06.2017.K.05.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч. 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91)

Диссертацияси билан Фарғона давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўч., 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91 e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru).

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

В.У.Хўжаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, к.ф.д., профессор

М.Ф.Нишонов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.н., доцент

И.А.Абдуғофуров

Илмий даража берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунёда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши аҳоли сонининг ўсиб боришига узвий боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги экинларини ўсиши ва ривожланишини ҳамда ҳосилдорлигини оширувчи биологик фаол моддаларни кенг жорий этилиши соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ижобий ечимини топишга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, экологик тоза, камхарж биологик фаол моддаларнинг хом ашёлар манбаларини аниқлаш, уларни синтез қилиш ҳамда амалиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги соҳасида ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига, ҳосилдорлигини оширишга таъсир этувчи янги биологик фаол моддаларни синтез қилиш, уларни ижобий таъсирини янада оширишга бўйича, қуйидаги йўналишларда ечимларни илмий асослаш: юқори биологик таъсирга эгаллиги ҳамда ўсимликларга зарарсизлиги билан бошқа турдаги биостимуляторлардан фарқ қиладиган, таркибида п-ферроценилбензой кислотаси, метилолтиомочевина, тиомочевина ва улар ҳосилаларини сақловчи биологик фаол бирикмалар олиш; таркибида п-ферроценил-бензой кислотаси ва тиомочевина ҳосилалари тутган янги бирикмалар синтез қилиш, улар асосида қишлоқ хўжалиги ўсимликлари учун янги турдаги биостимуляторларишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш; синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари, таркиби ва тузилишини аниқлаш зарур.

Республикада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатини ва ҳосилдорлигини оширувчи ўғитлар ва кимёвий препаратлар яратиш ва уларни амалиётга қўллаш борасида борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни жорий этиш...¹»га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан республикадаги п-ферроценбензой кислотаси ва тиомочевина сақловчи ресурсларни аниқлаш, улар асосида янги биостимуляторлар синтез қилиш, уларни кимёвий таркиби бўйича тегишли синфларга ажратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2884-сон ««Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада риволантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ферроцен ва унинг ҳосилалари бўйича кўплаб олимлар тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан, Россияда А.Н.Несмеянов, Н.С.Кочеткова, Э.Г.Перевалова, В.А.Сергеев, В.Д.Вильчевская, Германияда С.А.Шлётль, Грузияда Л.Асатиани, Беларусияда Е.А.Коленников, Я.М.Паушкин, Америка Қўшма Штатларида Р.Б.Вудворд каби олимлар ферроценнинг алифатик, ароматик ҳосилаларини синтез қилганлар.

Ўзбек кимёгар олимлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, кимё фанлари доктори, профессорлар А.Ғ.Махсумов, И.Р.Асқаров, кимё фанлари номзодлари, доцентлар Т.Ю.Насриддинов, С.К.Каримов, Ш.М.Қирғизов, А.М.Жўраевлар ҳам бу борада диққатга сазовор ишларни амалга оширганлар. Тиомочевина, монометилолтиомочевина ҳосилалари бўйича М.Н.Набиев, Б.М.Беглов, К.Ғ.Содиқов, Ҳ.У.Усмонов, Х.Исақов каби кимёгар олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Таркибида *n*-ферроценбензой кислотаси ва тиомочевина ҳосилаларини сақловчи бирикмалар синтези амалга оширилмаган ва уларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш ҳақидаги маълумотлар илмий адабиётларда келтирилмаган. Шунинг учун, таркибида *n*-ферроценбензой кислотаси ва тиомочевина ҳосилаларини сақловчи бирикмаларни синтез қилиш, хоссаларини физик-кимёвий усулларда аниқлаш, кимёвий таркиби асосида ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) бўйича тегишли код рақамлари бериш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ферроцен ва унинг ҳосилалари асосида биологик фаол моддалар синтез қилиш, уларни кимёвий таркиби асосида синфлаш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ферроценилбензой кислоталарининг тиомочевинали ҳосилалари асосида биостимуляторлар синтез қилиш ва уларни синфлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

n-ферроценилбензой кислотасининг ва тиомочевина ҳосилалари билан янги биологик фаол бирикмаларининг синтезини амалга ошириш;

синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари, таркиби ва тузилишини аниқлаш;

лаборатория шароитида олинган моддалардан биологик фаоллиги юқори

бўлганларини аниқлаш;

юқори самарали биостимулятор хусусиятига эга бирикмаларни дала амалиёти синовларидан ўтказиш;

синтез қилинган янги биостимуляторларни кимёвий таркиби асосида синфлаш ва уларга халқаро товар кодлари ажратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *n*-ферроценилбензой кислотаси, тиомочевина, монометилолтиомочевина, диметилолтиомочевина ва уларнинг ҳосилаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети *n*-ферроценилбензой кислотаси ва тиомочевина ҳосилалари асосида юқори самарали биостимуляторлар синтез қилиш ва уларни кимёвий таркиби ва хоссаларига кўра таснифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда юпқа қатламли ва колонкали хроматография, ИҚ спектроскопия, квант-кимёвий ҳисоблаш, масс-спектрометрия, элементар анализ ҳамда биологик фаолликни аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диазотирлаш реакцияси асосида илк бор *n*-ферроценилбензой кислотасининг ва тиомочевина ҳосилалари билан биологик фаол моддалар синтез қилинган;

ажратиб олинган 12 та бирикманинг кимёвий таркиби ва тузилиши элементар анализ, масс-спектрометрия, ИҚ спектроскопия, квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари ёрдамида аниқланган;

ИҚ спектроскопик ва квант-кимёвий ҳисоблаш натижаларини таққослаш асосида *n*-ферроценилбензой кислотасининг монометилолтиомочевина, диметилентиомочевина, метилолдитиомочевина, тиомочевина билан ҳосилалари гетероаннуляр 1, 1'-диалмашинган тузилишга эга эканлиги исботланган;

синтез қилинган бирикмаларнинг чигитнинг униб чиқиши, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига самарали таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

n-ферроценилбензой кислотаси ва монометилолтиомочевинадан ташкил топган ва ғўза ҳосилдорлигини оширувчи «АСХОАК» биостимулятори яратилган;

«АСХОАК» биостимуляторининг пахта етиштиришда қўлланилиши пахта ҳосилдорлигини гектаридан 5 центнергача оширган ҳолатда пахта толасига ёндош товарлар – пахта мойи ва кунжаранинг унумини, органолептик, биокимёвий ва ферментатив кўрсаткичларини ҳамда озуқавий қийматини пасайтирмаслик имконияти яратилган;

таркибида *n*-ферроценилбензой кислотаси ҳосилаларини тутган бирикмалар кимёвий таркиби асосида синфланган ва уларга тегишли код рақамлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган моддаларни юпқа қатламли ва колонкали

хромотография усулларида ажратиб олиниб, элементар анализ, ИҚ- ва масс-спектроскопия усуллари асосида таркиби ва тузилишини аниқланганлиги, уларнинг биостимуляторлик хоссаларини етакчи илмий-тадқиқот институтлари томонидан тасдиқланганлиги, олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, амалий натижаларини ваколатли давлат тузилмалари томонидан эътироф этилиб, амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамиятидиазотирлаш реакцияси бўйича *p*-ферроценилбензой кислотаси ва монометилолтиомочевина асосида биологик фаолликка эга бўлган бирикмалар синтезини амалга ошириш йўллари таклиф этилганлиги, синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари, айрим бирикмаларни биологик фаоллигини тадқиқ этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти синтез қилинган баъзи бирикмалар қишлоқ хўжалиги экинлари учун биостимулятор хоссасига эга эканлиги, янги синтез қилинган биологик фаол бирикмаларнинг кимёвий таркиби ўрганилиб, уларга Ташқи иқтисодий фаолият Товарлар номенклатураси бўйича тегишли код рақамлари берилиши мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *p*-Ферроценилбензой кислотасининг ва монометилолтиомочевина асосида синтез қилинган биологик фаол моддаларни тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

p-Ферроценилбензой кислотасининг ва монометилолтиомочевина билан синтез қилинган «АСХОАК» биостимуляторини қўллаш технологияси Андижон вилоятидаги фермер хўжаликларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 10 июлдаги 02/021-1079-сон маълумотномаси). Натижада, биостимулятор билан ишлов берилган ғўза майдонларидан гектаридан кўшимча 3-5 ц ҳосил олиш имконини берган;

ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича *p*-ферроценилбензой кислотаси ҳосилалари учун 3808939003 код рақами ишлаб чиқилган ва давлат божхона амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 14 майдаги 01/16-255-сон маълумотномаси). Натижада, таркибида *p*-ферроценилбензой кислотаси сақловчи биологик фаол бирикмаларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган

илмий нашрларда 5 та мақола республика ва 1 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “*Ферроцен ва тиомочевина ҳосилалари*” деб номланган биринчи бобида ферроцен ва монометилолтиомочевина ҳосилалари билан олиб борилган илмий тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили ёритилган. Реакцияларнинг тенгламалари, кимёвий хоссалари, ишлатилиши ҳамда аҳамияти ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “*n-Ферроценилбензой кислотанинг тиомочевинали ҳосиларини синтези, таркиби, тузилиши, синфланиши ва биологик фаоллиги*” деб номланган иккинчи бобида *n*-ферроценилбензой кислоталарининг тиомочевина, монометилолтиомочевина, диметилолтиомочевина, метилендитиомочевина билан бирикмалари ва уларнинг айрим тузларининг, кимёвий таркиби, хоссалари, тузилиши ҳамда уларнинг биологик фаолликларини ўрганиш бўйича олинган натижалар муҳокама қилинган.

1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценилтиоамид синтези. Ушбу модданинг синтези қуйидаги реакция схемаси бўйича амалга оширилди:



Маҳсулот қизғиш рангли кукун бўлиб, назарийга нисбатан унуми 42 % ни ташкил қилади. Ушбу ва барча биз томонимизда синтез қилиб ажратиб олинган бирикмаларни реакция учун олинган дастлабки ва ҳосил бўлган қўшимча моддалардан тозалаш мақсадида, маҳсулотнинг диэтилэфир-гександаги 0,01 % ли эритмасини тайёрлаб олиб баландлиги 35 см, диаметри 0,6 см бўлган шиша найга жойланган алюминий оксид – адсорбент хроматографик устунчадан 4 соат давомида ўтказилди. Асосий ва қўшимча моддаларнинг ранглари турлича эканлигидан фойдаланиб керакли бирикма


тозаланди. Баъзи ҳолларда устунчали хроматография методи билан тозалаш қайта-қайта такрорланди.

Янги синтез қилинган *p*-ферроценилбензой кислотанинг тиомочевина гурухи тутган бирикмалари ва уларнинг тузлари таркибидаги темир микдорини атом абсорбцион спектрофотометрия усулида Aurora trace AP1200 спектрофотометрида аниқлаш натижалари 1-жадвалда келтирилган. Олинган барча бирикмалардаги темирнинг аниқланган микдори формула бўйича ҳисоблаб топилган қийматга (эксперимент хатоси 0.5% доирасида) мос келиши синтез қилинган бирикмаларнинг кимёвий таркибини билвосита тасдиқлайди. Бундан ташқари шу жадвалда “Stuart melting point” русумли асбобида аниқланган моддаларнинг суюқланиш температуралари ва “Mettler Toledo Easy pH” автоматик титраторидан фойдаланиб потенциометрик усулида топилган эквивалент моляр масалари ҳам келтирилган.

1-жадвал. *p*-Ферроценилбензой кислотанинг тиомочевина гурухи тутган ҳосилалари ва уларнинг тузлари таркибидаги темир микдорини аниқлаш натижалари.

Мод да рақа ми	Номи	Брутто формула	$t_{\text{суюқ}}$, °C	Эквивалент моляр масса, г/моль		Темирнинг микдори, %	
				Ҳис.	Топ.	Ҳис.	Топ.
I	1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценилтиоамид	$C_{18}H_{15}O_2NSFe$	131-132	365	364,4	15,34	15,25
II	1-(4-карбоксифенил)-1'-N-метилоксиферроценилтиоамид	$C_{19}H_{17}O_3NSFe$	140-141	395	394,5	14,18	14,01
III	1-(4-карбоксифенил)-1'-N-(ферроценилметил)-N'-метилокситиокарбоксамид	$C_{20}H_{20}O_3N_2SFe$	122-123	424	423,7	13,2	13,0
IV	1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценилтиоамидометантиокарбоксамид	$C_{20}H_{19}O_2N_3S_2Fe$	107-108	453	452,3	12,36	12,31
V	1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценилтиоамид калий	$C_{18}H_{14}O_2NSKFe$		403	402,3	13,9	13,8
VI	1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценилтиоамид натрий	$C_{18}H_{14}O_2NSKFe$		387	386,2	14,47	14,39
VII	1-(4-карбоксифенил)-1'-N-метилоксиферроценилтиоамид калий	$C_{19}H_{16}O_3NSKFe$		433	432,5	12,93	12,85
VIII	1-(4-карбоксифенил)-1'-N-метилоксиферроценилтиоамид натрий	$C_{19}H_{16}O_3NSNaFe$		417	416,1	13,43	13,36
IX	1-(4-карбоксифенил)-1'-N-(ферроценилметил)-N'-метилокситиокарбоксамид калий	$C_{20}H_{19}O_3N_2SKFe$		462	461,6	12,12	12,02
X	1-(4-карбоксифенил)-1'-N-(ферроценилметил)-N'-метилокситиокарбоксамид натрий	$C_{20}H_{19}O_3N_2SNaFe$		446	445,1	12,56	12,50
XI	1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценилтиоамидометантиокарбоксамид калий	$C_{20}H_{18}O_2N_3S_2KFe$		491	490,2	11,4	11,3
XII	1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценилтиоамидометантиокарбоксамид натрий	$C_{20}H_{18}O_2N_3S_2NaFe$		475	474,3	11,79	11,71

Маҳсулот **I** нинг мумкин бўлган изомерлари структураларининг схемалари 1-расмда молекуладаги циклопентадиенил (Ср) халқаларига перпендикуляр ҳолатдаги кўринишда берилган. Маҳсулот **I** нинг тузилиши қайси изомерга мос эканлигини аниқлаш мақсадида **Ia**, **Ib**, **Ic**, **Id** ва **Ie** изомерларнинг оптималлаштирилган структураларини Ҳартри энергиялари ($E_{\text{Харт.}}$) “Gaussian 98” дастурлар пакети DFT/B3LYP гибрид методи 3-21G базисини қўллаган ҳолда ҳисоблаб топилиб, улар орасидаги фарқлар (ΔE) аниқланди. 2-жадвалда келтирилган ҳисоблаш натижалари модда **I** нинг **Ia** нинг энергияси бошқалар изомерларига нисбатан сезиларли даражада кичик эканлигини кўрсатди. Демак, **I** модданинг 1,1'- диалмашинган **Ia** изомери бошқаларга нисбатан энергетик жиҳатдан термодинамик барқарор. Шу нуқтай-назардан *n*-ферроценилбензой кислотанинг тиомочевина билан асосий маҳсулоти, тузилиш жиҳатдан **Ia** структурага мос келади деб хулоса қилиш мумкин.



1-расм. Модда **I** нинг мумкин бўлган **Ia**, **Ib**, **Ic**, **Id** ва **Ie** изомерлари моделларининг циклопентадиенил халқасига перпендикуляр ўқ бўйича кўриниши. *x* – 4-карбоксифенил ($\text{C}_6\text{H}_4\text{COOH}$); *y* – Аминотиокарбонил (-C(S)NH_2); ● - Fe^{+2} катиони. 1-5 ферроценнинг биринчи циклопентадиенил халқасидаги углеродлар рақами; 1'-5' ферроценнинг иккинчи циклопентадиенил халқасидаги углеродлар рақами.

2-жадвал. Модда **I** нинг мумкин бўлган изомерларининг оптималлаштирилган структуралари Ҳартри энергиялари ва улар орасидаги фарқлар.


Ҳолат	Модда	Алмашинган углерод атомлари	$E_{\text{Харт.}}$, кЖ/мол	ΔE , (кЖ)
Гетероаннуляр	Ia	1,-1'	-6690481,285	0
	Ib	1,-2'	-6690480,292	0,993
	Ic	1,-3'	-6690475,014	6,271
Гомоаннуляр	Id	1,-2	-6690471,914	9,37
	Ie	1,-3	-6690474,148	7,137

Синтез қилинган *n*-ферроценилбензой кислоталарнинг тузилиши бўйича хулосаларни янада мустақкамлаш учун уларни инфра қизил спектрлари ва масс-спектрлари ўлчаниб таҳлил қилинди.

n-Ферроценилбензой кислота билан тиоамидли бирикмалар ҳосилаларини тузилишини ИҚ спектроскопик тадқиқи. Тадқиқ этилувчи бирикмаларнинг КВr даги Perkin Elmer Spectrum IR спектрометрда олинган ИҚ-спектридаги ютилиш соҳаларини молекуладаги муайян тебранишларга тегишли эканлигини аниқлаш учун адбиётларда келтирилган


маълумотлардан ва айни молекуланинг тебраниш спектрини квант-механик ҳисоблабтопилган натижаларни таққослаш усулидан фойдаландик. Тадқиқ этилувчи моддалар молекулаларининг назарий тебраниш спектрларини ҳисоблаш Gaussian 98 дастурида DFT/B3LYP методининг 6-311G(2d) базисида амалган оширилди.

2-расмда Gaussian 98 дастури ёрдамида оптималлаштирилган 1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценилтиоамид(I)нинг молекуляр тузилиши кўрсатилган.



2-Расм. 1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценилтиоамиднинг макбулаштирилганмолекуляр структураси.

1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценилтиоамид (I) нинг ИҚ спектри 4-расмда кўрсатилган. 3-жадвалда эса, I модданинг ИҚ спектридаги тажрибада кузатилган ютилиш чўққилари тўлқин сони қийматлари молекуладаги тегишли тебранишлар турли изомерлар учун квант-кимёвий ҳисобланган ютилиш соҳалари максимуми тўлқин сони қийматларига таққосланган.



3-расм. 1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценилтиоамид (I) нинг ИҚ спектри.

3-Жадвал. 1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценилтиоамиднинг ИҚ спектрида тажрибада кузатишган чўққилар тўлқин сони ва молекула турли изомерларининг тегишли тебранишига мос келувчи ютилиш соҳаси максимуми тўлқин сонининг ҳисобланган қийматлари, см⁻¹.


№	Тебраниш тури	Ютилиш соҳаси максимуми тўлқин сони, см ⁻¹					Ўлчанган
		Ҳисобланган					
		Ia	Ib	Ic	Id	Ie	
1.	$\tau(\text{O-H})(\text{COOH})$	455	450	474	448	455	466
2.	$\delta(\text{CCC})(\text{Cp})$	500	506	510	510	509	503
3.	$\delta(\text{N-H})$	541	546	540	589	533	549
4.	$\delta(\text{IC-34C(S)-36N})$	710	705	706	706	703	713
5.	$\pi_s(\text{C-H})(\text{Cp})$	776	814	798	810	780	776
6.	$\nu_s(\text{C=S})$	828	840	833	838	842	821
7.	$\pi_s(\text{C-H})(\text{Ar})$	892	897	896	908	894	886
8.	$\nu_s(\text{CCC})(\text{Cp})$	940	915	916	-	-	934
9.	$\tau(\text{C-H})(\text{Ar})$	1020	1027	1035	1039	1033	1015
10.	$\nu_s(\text{C-C})(\text{Cp})$	1114	1109	1109	1121	1120	1105
11.	$\delta(\text{COH})$	1211	1209	1208	1204	1210	1203
12.	$\nu_{as}(\text{C-C-OH})(\text{COOH})$	1281	1275	1275	1270	1276	1283
13.	$\Gamma(\text{C-H})(\text{Cp})$	1316	1317	1318	1313	1313	1316
14.	$\Gamma(\text{C-H})(\text{Cp})$	1424	1425	1425	1439	1440	1424
15.	$\nu_{as}(\text{CCC})(\text{Ar})$	1590	1638	1588	1635	1638	1606
16.	$\delta(\text{NH}_2)$	1677	1674	1674	1681	1674	1682
17.	$\nu(\text{C=O})$	1783	1785	1784	1785	1783	1780
18.	$\nu_{as}(\text{CH})(\text{Ar})$	3078	3178	3177	3182	3179	2800-3700 кенг ютилиш соҳаси
19.	$\nu_s(\text{CH})(\text{Ar})$	3229	3230	3230	3226	3229	
20.	$\nu_{as}(\text{CH})(\text{Cp})$	3285	3283	3283	3279	3285	
21.	$\nu_{as}(\text{CH})(\text{Cp})$	3313	3303	3313	3314	3311	
22.	$\nu_s(\text{NH})$	3494	3486	3490	3477	3492	
23.	$\nu(\text{OH})(\text{COOH})$	3519	3517	3520	3521	3521	
24.	$\nu_s(\text{NH})$	3620	3614	3618	3609	3619	

Адабиётлардаги ва Gaussian дастури бўйича биз ҳисоблаб топган маълумотларга биноан I спектрида циклопентадиенил халқасига тегишли 503 см⁻¹ даги C-C-C қайчисимон деформацион тебраниши, 934 ва 1105см⁻¹ да кузатишувчи шу боғларнинг симметрик валент тебраниши, 1316 ва 1424 см⁻¹ да намоён бўлувчи C-H боғланишларнинг маятниксимон деформацион тебранишларига мос келувчи ютилиш соҳаларининг мавжудлиги яққол кўринади. Бензой кислота гуруҳига тегишли тебранишлар 466 см⁻¹ ($\tau(\text{O-H})(\text{COOH})$), 886 см⁻¹ ($\rho_s(\text{C-H})(\text{Ar})$), 1015 см⁻¹ ($\tau(\text{C-H})(\text{Ar})$), 1606 см⁻¹ соҳада ($\nu_{as}(\text{CCC})(\text{Ar})$) намоён бўлади. Молекуладаги тиомочевина қолдигига тегишли тебранишлар 549 см⁻¹ да ($\delta(\text{N-H})$), 821 см⁻¹ ($\nu_s(\text{C=S})$) ва 1682 см⁻¹ ($\delta(\text{NH}_2)$) кузатилади.

Бундан ташқари I нинг спектридаги ютилиш чўққилари тўлқин сонларини унинг мумкин бўлган турли изомерларидаги тебранишлари учун ҳисобланган тўлқин сонларга таққослаш амалда ҳосил бўлган бирикмени молекуляр тузилиши Ia структурага мос эканлигини тасдиқлайди. Чунки,

модда **I** нинг тажрибада аниқланган ютилиш соҳалари **Ia** структура учун ҳисобланган ИК спектридаги ютилиш чўққиларига **Ib**, **Ic**, **Ie** ва **Id**ларга нисбатан энг яқин. Айниқса, **I** модданинг ўлчанган ИК спектрида 934 см^{-1} ($\nu_{s(\text{CCC}) (C_p)}$) соҳадаги ютилиш чўққисининг мавжудлиги **Ia**изомерга мос бўлиб (940 см^{-1}), молекулада алмашинмаган циклопентадиенил ҳалқаси йўқлигини кўрсатади. Демак, тиомочевина гуруҳи синтез қилинган модда **I**молекуласида бензой кислота қолдиғи бириккан циклопентадиенил халқага эмас, балки иккинчи циклопнтадиенилга, яъни гетероаннуляр, айнан 1,-1'-ҳолатда бириккан. Агар тиомочевина қолдиғи бензой кислота гуруҳига нисбатан 1,-2' ёки 1,-3'-ҳолаттда ферроценга бирикса циклопентадиенил халқанинг симметрияси сезиларли даражада ўзгариб, $\nu_{s(\text{CCC}) (C_p)}$ тебраниш тўлқин сони қиймати, кузатилгандек, 934 см^{-1} дан пастда намоён бўлар эди. Бундан ташқари 776 см^{-1} ($\rho_{s(\text{C-H})(C_p)}$), 1316 см^{-1} ($r_{(\text{C-H}) (C_p)}$) ва 1424 см^{-1} ($r_{(\text{C-H}) (C_p)}$) соҳадаги ютилиш чўққилари тўлқин сонларининг **Ia** изомер учун ҳисобланган қийматларга яқинлиги ҳам модда **I**нинг тузилиши гетероаннуляр 1,-1'-диалмашинган эканлигини тасдиқлайди. Квант-кимёвий ҳисоблашлар натижаларини синтез қилинган **II**, **III** ва **IV** моддлар ИК спектрларига қиёслаб таҳлил этиш ҳам, айнан **I** бирикма каби гетероаннуляр 1,-1'-диалмашинган структурага эканлигини кўрсатди.

Олинган бирикмаларнинг масс-спектрлари. Синтез қилинган бирикмаларнинг масс-спектрометриқ таҳлили Perkin Elmer фирмасининг AxION 2 TF маркали масс-спектрометрида азот молекуляр ионлари ёрдамида ионлантирилиб амалга оширилди. Қаттиқ моддаларнинг плазма ҳолатдаги ионлар билан ионлантириш усулида олинган масс-спектрлари кўпинча модда таркибидаги фрагментларга мос келмаслиги мумкин. *n*-Ферроценилбензой кислотаси ва тиомочевина ўртасидаги реакция маҳсулоти бўлган 1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценолтиоамид **I**нинг масс-спектри акс этдирилган.



4-расм. 1-(4-карбоксифенил)-1'-N-ферроценолтиоамид (**I**)нинг масс-спектри.

Расмдан энг юқори интенсивликга эга чўққи (m/z 243) (I) нинг $(C_5H_4)_2Fe(CSNH)^+$ фрагментига тегишли экани маълум бўлади. Бундан ташқари спектрда катта интенсивлик билан m/z 261 да протонланган $(C_5H_4)_2FeC_6H_5^+$, m/z 121 да $C_6H_4COOH^+$ молекула бўлаklarига тегишли чўққиларнинг мавжудлиги синтез қилинган I нинг таркибини исботлайди.

Модда (I) масс-спектридаги m/z қиймати 199 ва 150 бўлган юқори интенсив чўққилар мос равишда ионлантирувчи азот билан ферроцендан ҳосил бўлган депротонланган $(C_5H_4)(C_5H_3)_2FeN^+$ ва протонланган $(C_5H_5)FeN_2^+$ фрагментларга тегишли бўлиши мумкин. Молекуляр ион $(C_5H_4)_2FeC_6H_4COOH(CSNH_2)$ га тегишли m/z қиймати 365 га тенг чўққи паст интенсивлик билан намоён бўлади.

Синтез қилинган бошқа моддаларнинг масс-спектрларининг таҳлилидан ҳам юқоридаги каби хуласалар келиб чиқади.

Синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллигини лаборатория шароитида ўрганиш. Синтез қилинган бирикмалар биостимулятор сифатида чигитни униб чиқиш жараёнида лаборатория шароитида синовдан ўтказилди. Тажрибалар Калининцев усулида амалга оширилди. Синтез қилинган бирикмаларнинг ҳамда МИВАЛ нинг ҳар хил концентрациядаги тенг ҳажмдаги эритмалари экилган уруғлар устига қуйилди. Назорат учун дистилланган сув, эталон сифатида эса кенг қўлланилаётган биологик фаол модда МИВАЛ эритмасидан фойдаланилди. 4-жадвалда келтирилган лаборатория синовлари натижалари таҳлили *n*-ферроценилбензой-монометилолтиомочевинанинг калийли тузи 0,0001 %ли эритмаси энг юқори самара билан чигитни унишига таъсир этганлигини кўрсатди.

Лаборатория шароитида яхши биостимуляторлик хоссасини намоён этган *n*-ферроценилбензоймонометилолтиомочевинани калийли тузи (шартли АСХОАК деб номланди) ни 0,0001%-ли сувли эритмасини 2017-2018 йилларда Андижон вилоятининг бир қатор фермер хўжалиқларининг пахта майдонларида дала синовларидан ўтказилди. Олинган натижалар 5 ва 6-жадвалларда келтирилган. Бу жадвалларнинг таҳлили АСХОАК назорат ва эталонга нисбатан ўзанинг чинбарглари сонига, бўйига, ҳосил шохларига, ҳосил элементларига, кўсақлар сонига ижобий таъсир этиб пахта ҳосилдорлигини гектаридан кўшимча 5 центнергача оширган.

Биостимуляторларнинг қўлланилиши чигит таркибидаги мой миқдори ҳамда ва мойнинг кимёвий таркибига таъсир кўрсатиши мумкин. Маълумки, мойнинг сифатини унинг таркибидаги тўйинган (S) ва тўйинмаган ёғ кислота (U) қолдиқлари миқдорлари нисбати билан белгиланади. Пахта мойининг асосий қисмини SU_2 - типига кирувчи триглицеридлар ташкил қилади. Қолган қисми эса S_2U ва U_3 типидagi триглицеридлардир. Жумладан, мой миқорининг 2 – 3% нитўйинмаган ёғ кислоталардан линол кислотаси қолдиғи ташкил қилиб, унинг миқдори эса, 8-10 % атрофида ўзгариши мумкин.

4-Жадвал. Лаборатория шароитида *n*-ферроценилбензойкислотасининг калийли ва натрийли тузлари чигитнинг унишига таъсирини ўрганиш натижалари.

№	Препарат номи	Эритма концентратсияси, %	Униш энергияси, %			Унувчанлик, %		
			Ўртача қиймат	четланиш		Ўртача қиймат	четланиш	
				назоратдан	эталондан		назоратдан	эталондан
1	1'-(4-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроценилтиоамид натрий	0.01	84	+6	+4	89	+4	+3
		0.001	85	+7	+4	92	+7	+5
		0.0001	84	+6	+2	96	+11	+6
2	1'-(4-карбоксифенил)-1-N-метилоксиферроценилтиоамид калий	0.01	84	+6	+4	90	+5	+4
		0.001	85	+7	+4	92	+7	+5
		0.0001	86	+8	+4	97	+12	+7
3	1'-(4-карбоксифенил)-1-N-ферроценилтиоамидо-метантиокарбоксамид калий	0.01	85	+7	+	89	+4	+2
		0.001	87	+9	+2	91	+6	+5
		0.0001	89	+11	+8	93	+8	+6
4	1'-(4-карбоксифенил)-1-N-ферроценилтиоамидометантиокарбоксамид натрий	0.01	85	+7	+4	90	+5	+3
		0.001	88	+10	+7	92	+7	+5
		0.0001	91	+13	+10	93	+8	+6
5	1'-(4-карбоксифенил)-1-N-(ферроценилметил)-N'-метилокситиокарбоксамид калий	0.01	85	+7	+4	89	+4	+2
		0.001	87	+9	+6	91	+6	+4
		0.0001	88	+10	+7	92	+7	+5
6	1'-(4-карбоксифенил)-1-N-(ферроценилметил)-N'-метилокситиокарбоксамид натрий	0.01	80	+2	-1	91	+6	+5
		0.001	82	+4	+1	90	+5	+3
		0.0001	84	+6	+3	92	+7	+3
7	1'-(4-карбоксифенил)-1-N-ферроцениламид калий	0.01	78	0	-3	85	0	-2
		0.001	80	+2	-1	87	+2	0
		0.0001	82	+4	+1	89	+4	+2
8	1'-(4-карбоксифенил)-1-N-ферроцениламид натрий	0.01	79	+1	-2	84	-1	-3
		0.001	81	+3	+1	88	+3	+1
		0.0001	84	+6	+3	91	+6	+4
9	МИВАЛ	0.001	81	+3	-	87	+2	+2
10	Сув (назорат)	-	78	-	-3	85	-	-2

5-Жадвал. Андижон вилояти Олтинкўл тумани “Ҳосил-мехнат кўрки” фермер хўжалиги пахта майдонида 2017-2018 йилларда ўтказилган дала амалиёти натижалари

№	Тажриба вариантлари	Чинбарглар сони, дона	Ўзанинг бўйи, см	Ҳосил шоҳи, дона	Ҳосил элементлари, дона	Кўсақлар сони, дона
2017 йил						
		15.05	15.07	15.08	15.08	15.09
1.	АСХОАК	5,0	111,0	13,7	17,2	12,2
2.	НАЗОРАТ	3,6	101,5	12,0	14,1	10,1
	ФАРҚ	1,4	9,5	1,7	3,1	1,1
2018 йил						
		15.05	15.07	15.08	15.08	15.09
1.	АСХОАК	5,1	110,0	14,0	17,0	12,2
2.	НАЗОРАТ	3,5	100,5	12,0	14,0	10,0
	ФАРҚ	1,6	9,5	2,0	3,0	2,2

6-Жадвал. Андижон вилояти Жалакудук тумани “Далварзин чашмаси” фермер хўжалиги пахта майдонида 2017-2018 йилларда ўтказилган дала амалиёти натижалари.

№	Тажриба вариантлари	Чинбарглар сони, дона	Ўзанинг бўйи, см	Ҳосил шоҳи, дона	Ҳосил элементлари, дона	Кўсақлар сони, дона
2017 йил						
		20.05	20.07	20.08	20.08	20.09
1.	АСХОАК	4,8	109,0	13,2	16,6	11,3
2.	НАЗОРАТ	3,4	100,0	11,7	13,4	10,1
	ФАРҚ	1,4	9,0	1,5	3,2	1,2
2018 йил						
		20.05	20.07	20.08	20.08	10.09
1.	АСХОАК	4,8	109,5	13,0	16,0	12,4
2.	НАЗОРАТ	3,4	100,0	11,5	13,4	11,1
	ФАРҚ	1,4	9,5	1,5	2,6	1,3

Пахта толасидан кейинги ўзанинг иккинчи муҳим товар маҳсулоти бўлган - чигитдан олинадиган мойнинг ва кунжаранинг сифатига, янги яратилган АСХОАК биостимуляторининг таъсирини ўрганилди. Бунинг учун фермер хўжаликлари синов дала майдонларида етиштирилган тажриба, эталон ва назорат вариантлари пахтаси чигитдан мойни ва кунжарани Сокслет методи билан ажратиб олиб уларнинг биокимёвий ва озучавий кўрсаткичларини аниқланди. Чигит мойининг кислота сонини, совунланиш сонини мой таркибидаги тўйинмаган ёғ кислоталар миқдорини (йод сонини) титриметрик анализ методларидан фойдаланиб аниқланди. АСХОАК биостимуляторининг 0,0001 % ли сувли эритмаси билан ишлов бериб экилган “Андижон-35” ва “Султон элита” навли чигитлардан етиштирилган пахта чигити ёғдорлигига ва таркибига таъсири бўйича олинган натижалар 7-жадвалда келтирилган.

Мойнинг совунланиш сони маълум даражада ёғ кислоталарининг ўртача молекуляр массасига боғлиқ катталиқдир. Совунланиш сони қанча катта бўлса, ёғ кислоталарининг ўртача молекуляр массаси шунча кичик бўлади. Йод сони эса мойдаги тўйинмаган кислота қолдиқлар миқдори билан боғлиқ. Бу кўрсаткич қанча катта бўлса триглицеридлардаги тўйинмаган кислоталар шунча кўп эканлигини кўрсатади. Кислота сони – мойнинг таркибидаги боғланмаган кислоталарни титрлашга сарф бўлган КОН нинг мг сонидир.

Жадвалда келтирилган натижаларнинг таҳлили янги биостимулятор АСХОАК назорат ва эталонга нисбатан чигитнинг мойдорлигини, совунланиш сонини бир мунча ошириб, кислота сони ва йод сонини пасайтиришини кўрсатади.

7-Жадвал. АСХОАК биостимуляторининг “Андижон-35” ва “Султон элита” навли ғўза чигити ёғдорлиги ва унинг кимёвий таркибига таъсири натижалари.

Фермер хўжалиги	Ғўза нави	Тажриба	Чигитнинг ёғдорлиги, %	Йод сони, г I/100 г	Кислота сони, мг КОН/г	Совунланиш сони, мг КОН
2017 йил						
Ҳосил-мехнат кўрки	Султон элита	Назорат	28,6	108,3	3,95	190,5
		Эталон	29,1	107,2	3,82	191,6
		АСХОАК	29,5	107,4	3,21	192,3
Далварзин чашмаси	Андижон-35	Назорат	27,4	108,5	3,76	191,4
		Эталон	28,2	107,6	3,68	192,6
		АСХОАК	28,7	107,9	3,42	192,8
2018 йил						
Ҳосил-мехнат кўрки	Султон элита	Назорат	28,3	108,9	3,56	189,3
		Эталон	28,9	107,8	3,31	190,8
		АСХОАК	29,3	108,4	3,13	191,6
Далварзин чашмаси	Андижон-35	Назорат	27,8	108,1	3,48	190,1
		Эталон	28,3	107,6	3,78	192,0
		АСХОАК	28,8	107,5	3,45	191,8

Лекин, бу ўзгаришлар эксперимент хатоси (нисбий хато 2 % гача) доирасида бўлганлиги учун АСХОАК биостимулятори пахта мойининг сифат кўрсаткичларини деярли ўзгартирмайди.

Чорводорликда ем сифатида ишлатилувчи кунжаранинг озукавий қиймати унинг таркибидаги оксилнинг умумий миқдори билан белгиланади. Чигитдан мойни ажратиб олингандан сўнг қолган кунжаранинг таркибидаги оксилнинг умумий миқдорини ҳар бир вариант учун топиш Кельдал методи билан азотни аниқлаш воситасида амалга оширилди. Олинган натижаларнинг таҳлили биостимулятор АСХОАК чигит кунжараси таркибидаги умумий оксилнинг миқдорини деярли ўзгартирмаслигини кўрсатди.

Синтез қилинган АСХОАК биостимулятори қўлланилган чигитларанализ қилинганда олинган кўрсаткичлар унинг озуқавийлиги, ундаги оксил, углевод ва ёғ миқдори назорат вариантлардаги кўрсаткичларга яқин эканлиги аниқланди.

Синтез қилинган ҳамда эндиликда синтез қилиниши мумкин бўлган таркибида *n*-ферроценилбензой кислотаси сақловчи биостимуляторларни экспорт, импорт масалаларини назорат қилишни йўлга қўйиш учун ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича *n*-ферроценилбензой кислотаси ҳосилалари учун 3808 93 900 3 код рақами ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 14 майдаги 01/16-255-сон маълумотномаси асосида амалиётга жорий қилинди. Натижада, таркибида *n*-ферроценилбензой кислотаси сақловчи биологик фаол бирикмаларни кимёвий таркиби бўйича синфлаш имконини берди.

ХУЛОСАЛАР

“Ферроценилбензой кислоталарининг тиомочевинали ҳосилалари асосида биостимуляторлар синтез қилиш ва уларни синфлаш” мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Диазотирлаш усулидан фойдаланиб, 4 та янги *n*-ферроценилбензой кислотаси ва тиомочевина ҳосилалари орасидаги реакцияси маҳсулотлари ҳамда уларнинг ишқорий металллар билан тузлари синтез қилинди.

2. Қаттиқ ҳолатда ажратиб олинган 12 та бирикманинг кимёвий таркиби ва тузилиши элементар анализ, потенциометрия, масс-спектрометрия, ИК спектроскопия усуллари ёрдамида аниқланди.

3. ИК спектроскопик ва квант-кимёвий ҳисоблаш натижаларини қиёсий таққослаш асосида *n*-ферроценилбензой кислотасининг монометилолтиомочевина, диметилентиомочевина, метилолдитиомочевина, тиомочевина билан ҳосилалари гетероаннуляр 1, 1'-диалмашинган молекуляр тузилишга эга эканлиги билан изоҳланади.

4. Синтез қилинган *n*-ферроценилбензой кислотаси ва тиомочевина ҳосилаларининг натрийли ва калийли тузлари чигитнинг унувчанлигига ижобий таъсир этиши аниқланди. Улар орасида биостимуляторлик фаоллиги энг юқори бўлган «АСХОАК» кенг миқёсда дала амалиётида ғўзанинг униши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири ижобий эканлиги билан изоҳланади.

5. Фермер хўжаликлари дала майдонларида 2017 ва 2018 йилларда янги «АСХОАК» биостимуляторини пахта етиштиришда қўллаш натижасида гектаридан 5 центнер қўшимча пахта ҳосили олинishi кўрсатилди. Бу натижалар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 2019 йил 10 июлдаги 02/021-1079-сон маълумотномаси билан эътироф этилиб амалиётга жорий этиш учун тавсия этилди.

6. «АСХОАК» биостимуляторининг қўлланилиши пахта толасига ёндош товарлар – пахта мойи ва кунжаранинг унумини, органолептик, биокимёвий, ферментатив кўрсаткичларини ва озуқавий қийматини пасайтирмаслиги лаборатория синовларида аниқланди.

7. Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси бўйича *n*-ферроценилбензой кислотасининг тиомочевина ҳосилалари асосида синтез қилинган биостимуляторлари учун 3808939003 товар код рақами ишлаб чиқилди ва бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 14 майдаги 01/16-255-сон маълумотномаси олиниб, божхона амалиётида қўлланилиш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
PhD 27.06.2017.К.05.01 ПРИ ФЕРГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ОТАХОНОВ КОБУЛЖОН КАХРАМОНОВИЧ

**СИНТЕЗ БИОСТИМУЛЯТОРОВ НА ОСНОВЕ
ТИОМОЧЕВИНАСОДЕРЖАЩИХ ПРОИЗВОДНЫХ
ФЕРРОЦЕНИЛБЕНЗОЙНЫХ КИСЛОТ И ИХ КЛАССИФИКАЦИЯ**

**02.00.09 – Химия товаров
02.00.10 – Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Фергана – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под №В2019.1.PhD/K161

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.fdu.uz) и на Информационно-образовательном портале “ZiyoNet”.

Научные руководители:

Аскарлов Ибрагим Рахманович
Доктор химических наук, профессор

Абдуллаев Шахобиддин Хасанбоевич
Кандидат химических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Каримкулов Курбонкул Мавлонкулович
Доктор технических наук, профессор

Сиддиков Гопуржон Усманович
Доктор философии по химическим наукам

Ведущая организация:

Ташентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится “___” _____ 2020 года в ___ часов. на заседании Научного совета PhD.27.06.2017.К.05.01 при Ферганском государственном университете (Адрес: 150100, г.Фергана, ул.Мураббийлар 19. Тел.: (99873) 244 44 02, факс : (99873) 244 44 91, e-mail: alijon.ibragimov.48@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ферганского государственного университета (зарегистрирован № ___).

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2019г.
(Протокол реестра № _____ “_____” 2019 г.)

В.У.Хужаев

Председатель научного совета,
по присуждению ученых степеней д.х.н., профессор

М.Ф.Нишинов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней, к.т.н., доцент

И.А.Абдугофуров

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней, д.х.н.

Введение (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и необходимость темы. Увеличение масштаба спроса на сельскохозяйственную продукцию в мировом тесно связано с ростом численности населения. Широкое применение биологически активных веществ, повышающих рост и развитие, а также продуктивность сельскохозяйственных растений позволит найти положительные решения проблем в данной отрасли. Исходя из этого, поиск сырьевых источников экологически чистых, доступных и дешевых биологически активных веществ, их синтез и внедрение в практику является одной из актуальных проблем.

Синтез новых биологически активных веществ, способствующих росту и развитию растений в мировом аграрном секторе, дальнейшее усиление их положительного воздействия, научное обоснование решений в следующих областях: производство биологически активных соединений, содержащих п-ферроценилбензойную кислоту, метилолтиомочевина, тиококк и их производные, отличающихся от других видов биостимуляторов, обладающих высоким биологическим эффектом и вредных для растений; синтез новых соединений, содержащих производные п-ферроксенилбензойной кислоты и тиококка; необходимо определить физико-химические свойства, структуру и структуру синтезируемых соединений.

В Республике Узбекистан в настоящее время достигаются научные и практические результаты при разработке и применении удобрений и химикатов для повышения качества и продуктивности сельскохозяйственной продукции. Исходя из этого, большое внимание уделено разработке новых удобрений и химических препаратов для сельского хозяйства. Благодаря принятым мерам в данной области достигнуты конкретные положительные результаты, в том числе в синтезе биологически активных веществ на основе некоторых металлорганических соединений и их применении. Особенно, используя местное сырье, синтезу биостимуляторов на основе п-ферроценилбензойной кислоты и тиомочевины не уделено должного внимания. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены задачи “интенсивного развития производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов а также применение в сельскохозяйственную производственную сферу интенсивных методов”¹. Исходя из этих задач особую значимость приобретает научно-исследовательские работы, направленные на определение ресурсов, содержащих п-ферроценилбензойную кислоты и мочевины, синтезу на их основе новых биостимуляторов, классификации по химическому составу.

Данная диссертационная работа во многом служит решению задач, поставленных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-2884 “О мерах усовершенствования системы управления АО Узкимёсаноат” от 12

¹Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.”.

апреля 2017 года, в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.” от 7 февраля 2017 года и других нормативно-правовых документах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии приоритетному направлению развития науки и технологий VII. “Химические технологии и нанотехнологии”.

